

## ИЛМИЙ ҲАЁТ

### ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА

#### “ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ”



#### А ИЛОВА: *ДЕСКРИПТОРЛАРНИНГ ТАЪРИФЛАРИ*

Тил бўйича тест ўтказиш учун шкалаларни ишлаб чиқиш тажрибасига таяниб, амалий психология доирасида градуслаш бўйича умумий назарияга асосланиб ҳамда консультацияларда қатанашувчи ўқитувчилар афзал кўрадиган жиҳатларни (масалан, босқичма-босқич мақсадларнинг инглиз схемаси, швейцария лойиҳаси) эътиборга олиб, дескрипторларни ишлаб чиқиш ва таърифлашнинг қуйидаги қоидалари тўплами таклиф этилади:

- *Ижобий таъриф*: тил компетенциясини ташқи баҳолаш шкалалари ҳамда баҳолашнинг имтиҳон шкалалари учун компетенцияларнинг қуйи даражаларда салбий таърифланиши хосдир. Ушбу даражаларда сўзловчи эга бўлган билим ва кўникмаларни баён этишдан кўра, у билмайдиган ва бажара олмайдиган нарсаларни кўрсатиб ўтиш осонроқдир. Аммо “Компетенция” даражалари номзодларни саралаш воситаси эмас, балки мақсад сифатида қараладиган бўлса, у ҳолда ижобий таъриф маъқул ҳисобланади. Кўп ҳолларда битта вазият ҳам ижобий, ҳам салбий баҳоланиши мумкин, масалан:

1-жадвал.

Ижобий таъриф	Салбий таъриф
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзи тахмин қилса бўладиган вазиятларда фойдалана оладиган тилга оид билим ва стратегияларнинг асосий захирасига эга (Евромарказ, 3-даража: сертификат).</li> <li>• Тилга оид билим ва стратегиялар кундалик мулоқотдаги аксприят вазиятлар учун етарли, аммо жумлаларни қайта</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Луғат бойлиги чекланган, бу эса доимий равишда жумлаларни қайта тузиш ва сўз танлаш эҳтиёжини келтириб чиқаради (ESU, 3-даража).</li> <li>• Тил компетенциясининг чекланганлиги мулоқот жараёнида тез-тез тўхталишларга ва ноодатий ҳолатларда тушунмовчиликларга</li> </ul>

<p>тузиш ва сўзларни танлашга эҳтиёж сезади (Евромарказ, 3-даража: баҳолаш жадвали).</p>	<p>сабаб бўлади(финн тили, 2-босқич).                  • Луғат бойлигининг чекланганлиги хабарни етказишга тўққинилк қилгани боис мулоқот бузилади (ESU, 3-босқич).</p>
<p>• Луғат бойлиги асосини асосий предметлар, жойлар номлари, қариндошликка оид кўп қўлланиладиган сўзлар ташкил қилади (ACTFL, Бошловчи).</p>	<p>• Луғат бойлиги чекланган (голланд тили, 1-даража).                  • Сўз ва жумлалар бойлигининг чекланганлиги фикр ва ғояларини етказишига ҳалақит беради (Gothenburg U).</p>
<p>• Ёдлаб олинган сўзлар ва қисқа жумлалар тўпламини айтади ва англаб етади(Трим 1978, 1-босқич).</p>	<p>• Фақат ёдланган жумлаларни айтиши, сўзларни санаши мумкин (ACTFL, Бошловчи).</p>
<p>• Оддий аниқ эҳтиёжларини қондириш учун кундалик мулоқотга оид қисқа жумлаларни айта олади(саломлашиш, маълумот олиш ва бошқалар) (Elviri; Milan, 1-даража, 1986)</p>	<p>• Фақат базавий сўз бойлигига эга, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улардан озроқ фойдалани олиши мумкин. Ёки фойдаланиш кўникмаси умуман йўқ (ESU, 1-даража).</p>

Дескрипторларни таърифлашда тил компетенцияси доирасига кирадиган ва унинг ошиши билан йўқолиб кетиши керак бўлган характеристикалар ҳам кириши қўшимча қийинчиликни келтириб чиқаради. Ана шундай характеристикалардан бири – “мустақиллик” бўлиб, у ўқувчининг қуйидагиларга қарам эканини кўрсатади: (а) суҳбатдоши унинг даражасига мослашишга қанчалик тайёрлигига; (б) қўшимча тушунтиришлар олиш эҳтимоли қанчалик юқори эканлигига; (в) у ёки бу фикрларни баён қилишда суҳбатдошдан ёрдам олиш эҳтимоли қанчалик юқори эканлигига. Аксарият ҳолларда ушбу вазиятлар алоҳида қоидаларда келишиб олинади, масалан:

- Ўқувчи вақти-вақти билан ниманидир такрорлашни ёки бошқа сўзлар билан тушунтириб беришни сўраш имконига эга бўлса, таниш мавзуга оид равон стандарт нутқни асосан тушунади.

- Кундалик мулоқот жараёнида ўзига қаратилган равон ва секин айтилган гапларни тушунади; у хабарни тушуниши учун суҳбатдошдан қўшимча ҳаракат талаб қилиниши мумкин.

Ёки:

- Зарурат бўлганда суҳбатдоши ёрдам берса, стандарт вазият ва қисқа суҳбатлар доирасида маълум даражада эркин мулоқот қилиши мумкин.

- **Аниқлик:** Дескрипторларда аниқ вазифаларнинг баёни ва/ёки у ёхуд бу вазифани бажариш кўникмасининг аниқ даражалари акс этиши керак. Бу ўринда иккита жиҳатга алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Биринчидан, дескрипторни таърифлашда “Бир қатор ўринли стратегияларни қўллаш олади” каби ноаниқ таърифлардан қочиш зарур. Стратегия деганда нима тушунилади? Нимага нисбатан ўринли? “Бир қатор” деганда нима тушунилади? Бу каби дескрипторларнинг муаммоси шундаки, улар осон ўқилади, аммо ташқи осонлик ортида турлича талқин этилиш эҳтимоли ётади. Иккинчидан, 1940-йиллардан бошлаб шкаладаги турли даражалар ўртасидаги фарқ миқдор кўрсаткичини ишлатишга, масалан: юқорирак даражага ўтилганда, “айрим, бир қанча” сўзлари “кўплаб, аксарият”, “анча кенг” жумласи “ўта кенг”, “ўртача” сўзи “яхши” сўзларига алмаштирилишига боғлиқ бўлмаслиги керак. Даражалар ўртасидаги фарқ реал бўлиши зарур.

- **Тушунарлик:** Дескрипторлар шаффоф бўлиши, касбга оид жаргонлар ишлатилмаслиги керак. Касбий жаргонга оид сўзлар тушунишни қийинлаштиришдан ташқари, унинг ортида чуқур мазмуннинг мавжуд эмаслиги яширинган бўлиши мумкин. Иккинчидан, дескрипторлар аниқ мантиқий тузилишга эга оддий жумлалардан иборат бўлиши лозим.

- **Қисқалик:** Ушбу масалага икки хил ёндашув мавжуд. Уларнинг бири, масала, Америка ва Австралияда кенг тарқалган шкалалардан холистик фойдалинишни назарда тутаяди. Ушбу шкалалар асосий характеристикалар деб аташ мумкин бўлган барча жиҳатларни тўлиқ қамраб олган узун хатбошилардан иборат бўлади. Характеристика ва хусусиятларнинг тўлиқ санаб ўтилиши ҳисобига мазкур шкалалар аниқликка эришади. Аммо бундай ёндашувнинг иккита камчилиги ҳам мавжуд.

Биринчидан, бирорта инсон стереотипларга тўлиқ мос келмайди. Баён қилинган сифатлар турли бирликларда мавжуд бўлиши мумкин. Иккинчидан, икки ёки ундан ортиқ оддий ёки қўшма гаплардан ташкил топган мураккаб гап кўринишидаги дескрипторларнинг таърифи тил билиш даражасини амалий баҳолаш жараёнида фойдаланиш имконини бермайди. Ўқитувчилар эса дескрипторларнинг қисқа баёнларини маъқул кўрадилар. Лойиҳа доирасида ўқитувчилар 25тадан ортиқ сўздан ташкил топган дескрипторлардан фойдаланишдан воз кечган ёки уларни қисмларга бўлиб юборган.

• **Автономлик:** Дескрипторлар қисқача баёнининг яна иккита афзаллиги бор. Биринчидан, “Ҳа, бу одам шу ишни қила олади” дейиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатни таърифлай олиши эҳтимоли кўпроқ. Табиийки, қисқа ва аниқ дескрипторлардан кундалик назорат ва ўз-ўзини назорат/ўз-ўзини баҳолашда сўровнома/анкета таркибидаги бир-бирига боғлиқ бўлмаган мезонлар сифатида фойдаланиш мумкин. Мустақиллик ва яхлитликнинг бундай уйғунлиги дескриптор фақат ушбу шкаладаги бошқа дескрипторларнинг маъносига алоқадор маънога эга бўлиб қолмасдан, автоном мақсад сифатида ҳам хизмат қилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Бу эса назоратнинг турли шаклларида улардан фойдаланишнинг муайян имкониятларини очиб беради (9-бобга қаранг).

*Қуйидаги саволларга ўйлаб кўриб жавоб қайтариш тавсия этилади:*

• *юқорида санаб ўтилган мезонлардан қайсилари нисбатан аҳамиятли ҳамда уларнинг таълимий контекстида яна қандай мезонлар эксплицит ва имплицит тарзда қўлланилади?*

• *Юқорида санаб ўтилган мезонларни уларнинг ўз таълим тизимларида қай даражада қўллаш мақсадга мувофиқ ва мумкин?*

### **Шкалаларни яратиш услублари**

Бир нечта даражаларнинг бўлиши айрим кўникмалар кўпроқ фақат битта даражага тааллуқли деб топилиши эҳтимолини ҳамда муайян билиш даражаси параметрлари бошқа даражага эмас, балки битта даражага жойлаштирилишини назарда тутди. Бу қандайдир бир хил шкаланинг бўлишини назарда тутди. Тил билиш параметрларининг турли даражалар билан боғлиқлиги аниқланиши мумкин бўлган бир нечта услуб мавжуд. Мазкур услубларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: интуитив, сифат ва миқдор. Тил билишни баҳолашнинг мавжуд шкалаларидан аксарияти ва даражаларнинг бошқа тизимлари биринчи гуруҳга кирувчи учта интуитив услубнинг бири ёрдамида ишлаб чиқилган. Энг яхши ёндашув ушбу учта услубни улар бир-бирининг ижобий жиҳатларини тўлдириши ва ўзлаштириб бориши асосида бирлаштиради. Сифат услублари материални интуитив тайёрлаш ва танлашни, ҳамда натижани интуитив баҳолашни назарда тутди. Миқдор услублари сифат услуги ёрдамида бирламчи тестдан ўтказилган материални миқдор жиҳатидан санаб чиқиши зарур; улар натижанинг интуитив талқини билан тўлдирилиши керак. Шундай қилиб, даражаларнинг

Умумевропа тизимини ишлаб чиқишда интуитив, сифат ва миқдор услубларининг бирлигидан фойдаланилган.

Сифат ва миқдор услубларидан фойдаланишда ҳам дескрипторлардан, ҳам хатти-ҳаракат намуналаридан бошлаш мумкин.

**Дескрипторлардан бошлаш:** Биринчи бошланғич пункт – баён этилиши зарур бўлган нарсани ўйлаб олиш, сўнгра сифат услубларини қўллаш босқичига тайёргарлик сифатида муҳим тоифалар учун зарур дескрипторлар рўйхатини шакллантириш, умумлаштириш ва таҳрир қилиш керак. Мазкур ёндашувга сифат услубларининг қуйидаги берилган рўйхатидаги 4 ва 9-услублар мисол бўла олади. Дескриптор ва тоифаларнинг бошланғич босқичда таърифланиши назарий жиҳатдан мувофиқлаштирилган тизимни тузишга ёрдам беради.

**Хатти-ҳаракат намуналаридан бошлаш:** муқобил ёндашув, бунда дескрипторлар тизими тил билиш даражасини баҳолаш учун ишлаб чиқиладихамда одатий хатти-ҳаракат намуналаридан бошланади. Ушбу ёндашувда имтиҳон олувчилар намуналар билан ишлаш жараёнида кузатган нарсаларини баҳолашади. 5–8-услублар асосий ғоянинг турли вариантларидир. Баҳолашни амалга оширувчи ижобий намуналарни ҳам таърифлаб ўтади. Шундан сўнг ушбу таърифлар баҳолаш учун қандай характеристикалар муҳим эканлигини аниқлаш мақсадида статик услублар ёрдамида қайта ишланади. 10- ва 11-услублар бундай ёндашувга мисол бўла олади. Ушбу ёндашувнинг афзаллиги шундаки, олинadиган таърифлар аниқ маълумотларга асосланади.

Охирги – 12-услуб дескрипторларни мазкур сўзнинг математик тушуниш нуқтаи назаридан градусларга ажратувчи ягона услубдир. Тасвирий дескрипторлар даражаларининг Умумевропа тизимини ишлаб чиқишда ушбу услуб 2- (интуитив) ва 8–9 (сифат) услублари билан биргаликда қўлланилган.

### **Сезгига асосланган (интуитив) услублар**

Мазкур услублар махсус ташкил этилган маълумотлар тўпланишини талаб этмайди, улар муайян принциплар асосидаги тажриба талқинига асосланади.

№ 1. *Эксперт:* шкала мутахассислар гуруҳи томонидан мавжуд шкалалар, ўқув дастурлари ва бошқа муҳим материаллар асосида, шкала яратилаётган гуруҳ эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда яратилади. Сўнгра гуруҳ шкалани синаб кўради ва таҳрир қилади.

№ 2. *Қўмита*: худди *эксперт* сингари ишлайди, аммо у ўз ичига ишлаб чиқарувчиларнинг кичик гуруҳини ҳамда ана шу ишлаб чиқарувчилар таклиф этган вариантларга тақриз ёзувчи маслаҳатчиларнинг катта гуруҳини олади. Маслаҳатчилар интуицияга ва ўз шахсий тажрибаларига таянган ҳолда ишлашлари мумкин. Буюк Британия ва Австралияда ўрта мактабларда чет тилини ўқитиш учун яратилган шкалаларнинг кучсиз томонлари Gipps (1994), Scarino (1996, 1997)ларда муҳокама этилган.

№ 3. *Тажриба йўли билан*: худди *қўмита* сингари ишлайди, аммо жараён узоқроқ давом этади ва “ягона фикр” шаклланиши билан якунланади. Мутахассислар гуруҳи даражалар тизими ва баҳолаш мезонларининг маълум бир тушунчаларини ажратиб олади. Таърифларни аниқлаштириб олиш учун пилот гуруҳларида тажриба ўтказилиб, унинг натижалари муҳокама этилиши мумкин. Имтиҳонловчилар тилга оид хатти-ҳаракат ва дескрипторлар таърифи нисбатини ҳамда улардан бирининг ўзгариши бошқасининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатаётганини муҳокама қилишлари мумкин. Бу – тил компетенциялари даражаларини ишлаб чиқишнинг анъанавий усули (Wilds 1975; Ingram 1985; Liskin-Gasparro 1984; Lowe 1985, 1986).

### **Сифат услублари**

Мазкур услублар информантлар иштирокида ишчи секциялардан ҳамда олинган маълумотларнинг статик эмас, балки сифат талқинидан фойдаланишни назарда тутди.

№ 4. *Муҳим концептларнинг таърифи*: бирламчи шкала яратилганидан кейин оддий услуб – шкалани қисмларга бўлиш ва ушбу шкаладан фойдаланадиган гуруҳ вакилларига қуйидагиларни таклиф этиш: (а) таърифларни ўзлари тўғри деб билган тартибда жойлаштиришни; (б) нима учун шундай фикрда эканликларини тушунтиришни, жумладан дастлабки жойлашув тартиби ҳамда улар таклиф этган тартиб ўртасида фарқ аниқланганидан кейин ҳам; (в) қайси муҳим қоидалар уларга ёрдам берганини, қайсилари эса ҳалақит қилганини аниқлашни. Мазкур услубни даражалардан бирини олиб ташлаб, қаерда бўшлиқ ҳосил бўлганини топишни таклиф қилиб, мураккаблаштириш ҳам мумкин. Евромарказларда сертификатлаш учун ушбу услуб ёрдамида шкалалар ишлаб чиқилган.

№ 5. *Муҳим тушунчалар – тилга оид хатти-ҳаракатлар*: дескрипторлар ажратиб кўрсатилган даражаларда тилга оид хатти-ҳаракат билан шу тарзда мос келадими, бунда таърифланаётган жиҳат ҳақиқатда бўлаётган воқеликка мос келади. Кембрижнинг айрим имтиҳон



маълумотномалари ушбу жараёни турли шкалалар дескрипторлари таърифлари ва аниқ имтиҳон ишларига қўйилган баҳоларни солиштирган ҳолда, ўқитувчилар учун таърифлайди. Тил бўйича тестнинг Халқаро тизими (IELTS) доирасида дескрипторларни ишлаб чиқишда тажрибали имтиҳон олувчиларга ҳар бир босқич учун “типик ишлар намуналари”ни, сўнгра ҳар бир ишнинг “муҳим хусусиятлари”ни аниқлаб олиштаклиф этилди. Турли даражалар учун типик деб ҳисобланадиган хусусиятлар муҳокама натижасида якуний таърифланади ва дескрипторларга киритилади (Alderson 1991, Shohamy et al 1992).

№ 6. *Бирламчи характеристика*: яқка туртибдаги фойдаланувчилар (информантлар) ишларни (одатда, ёзма ишлар) муайян тартибда жойлаштирадilar. Гуруҳда муҳокама қилинганда, барча яқка тартибда сараланган ишлар ягона тартибда жойлаштирилади. Сўнгра, ишларни саралашга асос бўлган намоён бўлиши турли даражаларининг ажратиш кўрсатилиши ва таърифланиши амалга оширилади. Ҳар бир босқич учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган характеристикаларга жиддий эътибор қаратилади. Таърифланган нарса – жойлашув тартибини белгиловчи бирламчи характеристикадир (Mullis, 1980). Ушбу услубнинг яна бир тури ягона тартиб ўрнига бир неча таҳламга ажратиш ҳисобланади. Мазкур ёндашувнинг кўп ўлчамли саралаш варианты ҳам мавжуд. Бунда муҳим хусусиятларни ажратиш кўрсатиш (№5га қаранг) орқали бирламчи характеристикалар аниқланади.

№ 7. *Икки вариантдан бирини танлаш*: бирламчи характеристикани аниқлаш услубининг яна бир варианты. Биринчи босқичда тақдим этилган намуналар даржасидан келиб чиқиб, бир неча тўпламга ажратилади. Сўнгра даражалар ўртасидаги чегараларни ўрнатиш принциплари белгиланадиган муҳокама жараёнида муҳим хусусиятлар аниқланади (5-услубга қаранг). Юқорида қайд этилган услубдан фарқли равишда ҳар бир муҳим хусусиятнинг баёни “Ҳа/Йўқ” тарзида жавоб бериладиган савол шаклида таърифланади. Шундай қилиб, қўш оппозицияларнинг тармоқли тузилмаси ясалади. Ушбу тузилма имтиҳон олувчига қарорлар қабул қилиш алгоритмини тақдим этади (Usphur and Turner 1995).

№ 8. *Солиштирма мулоҳазалар*: имтиҳон ишлари жуфтлаб солиштирилади ҳамда улардан қай бири ва нима учун яхшироқ эканлиги аниқланади. Мазкур услуб тил компетенциясини баҳолашда ва ҳар бир даража учун муҳим бўлган хусусиятларни аниқлашда қўлланиладиган

метатилни яратиш имконини беради. Ушбу хусусиятлар сўнгра дескрипторлар тарзида таърифланади (Pollitt and Murray 1996).

№ 9 *Саралаш*: Дескрипторлар таърифнинг бирламчи вариантлари шаклантирилганидан кейин фойдаланувчиларга уларни ўзлари таърифлайдиган категорияларга, ёки ўзлари тааллуқли бўлган даражаларга мос тарзда жойлаштириш тавсия этилади. Фойдаланувчилар, шунингдек дескрипторларни аниқлашлари/таҳрир қилишлари ва/ёки уларни тўлиқ инкор этишлари, ҳамда энг муҳим, аниқ ва фойдалиларини қайд этишлари мумкин. Мазкур услуб ёрдамида баён этувчи шкалалар таърифланган ва таҳрир қилинган дескрипторларнинг умумий рўйхати танлаб олинади (Smith and Kendall, 1963 North, 1996/2000).

### **Микдорий услублар**

Микдорий услублар натижаларни сезиларли даражада статистик таҳлил қилиш ва батафсил талқин этишни назарда тутди.

№ 10. *Дискриминант таҳлил*: дастлабки босқичда сараланган (иложи бўлса, имтиҳон олувчилар томонидан) имтиҳон материалларининг бир қисми дискурсив таҳлилдан ўтказилади. Мазкур сифат таҳлили турли сифат характеристикаларининг даврийлигини аниқлайди ва санаб чиқади. Сўнгра кўплаб регрессиялар воситасида ажратиб олинган хусусиятлардан қайси бири материални муайян даражага тааллуқли деб топиш учун аҳамиятли эканлиги аниқланади. Сўнгра мазкур муҳим хусусиятлар ҳар бир даража дескрипторлари таърифларига киритилади (Fulcher, 1996).

№ 11. *Кўп аспектли шкалалаш*: номланишига қарамай, бу тавсифловчи услуб ёрдамида муҳим хусусиятлар ажратиб олинади ва улар ўртасидаги муносабат аниқланади. Тил компетенцияси ўзида бир нечта категорияларни бирлаштирган таҳлилий шкала воситасида баҳоланади. Таҳлил натижасида тил компетенцияси даражасини аниқлашда қайси категориялар муҳим роль ўйнагани кўрсатиб ўтилиши ҳамда категорияларнинг бирга мавжуд бўлиши ёки бир-биридан узоқлашувини акс эттирувчи диаграмма яратилиши мумкин. Шундайқилиб, мазкур услуб муҳим мезонларни аниқлаш ва тажриба ёрдамида текшириб кўриш имконини беради (Chalob-Deville, 1995).

№ 12. *Саволга жавоб назарияси (СЖН) ёки “яширин хусусиятлар” таҳлили*: СЖН ўзаро боғлиқ ўлчовлар ёки клалалаш моделлари тизимини тавсия этади. Энг оддий ва ишончлиси – Раш модели бўлиб, у даниялик математик Георг Раш шарафига шундай номланган. СЖН эҳтимоллар назариясининг ривожлантирилиши бўлиб, топшириқлар банкидан ўрин олган



у ёки бу топшириқнинг мураккаблик даражасини аниқлаш учун қўлланилади. Агар сизнинг тил компетенциянгиз ривожланган бўлса, у ҳолда сизда оддий саволга тўғри жавоб бериш эҳтимолижуда юқори бўлади. Аксинча, бошловчининг ривожланган даражага оид саволга тўғри жавоб топиш эҳтимоли жуда кам бўлади. Ушбу оддий далил Раш моделига асосланган шкалалаш услубига сингдирилган.

Раш услуби бўйича таҳлилда турли тест топшириқлари ёки саволномалар ўзаро қўшни даражалар учун умумий бўлган “лангарли элемент”дан фойдаланиш ҳисобига узлуксиз занжирли тузилмага айлантирилиши мумкин. Қуйидаги схемада мазкур “лангарли элементлар” кул ранг билан белгиланган. Шундай қилиб, топшириқлар яхлит шкала доирасидан чиқмаган ҳолда ўқувчиларнинг индивидуал тоифалари учун мослаштирилиши мумкин. Аммо ушбу модел турли даражаларда жуда катта ва жуда кам очко тўплайдиганларнинг натижаларини бузиб кўрсатишини эътиборга олиш зарур.

			C ТЕСТ
		B ТЕСТ	
A ТЕСТ			

Раш услуби бўйича таҳлилнинг афзаллиги шундаки, у таҳлил учун қўлланилган тест ёки топширик/саволномаларнинг аниқ натижаларига боғлиқ бўлмаган шкалалашни олиш имкониятини беради. Агар келгусида тестдан ўтадиганлар худди ўша статистик аҳоли доирасидаги янги гуруҳлар сифатида қараладиган бўлса, шкаланинг олинган қийматлари кейинги тест учун ҳам ўзгармасдан қолади. Вақт ўтиши билан шкала қийматининг системали ўзгариши (масалан, ўқув дастуридаги ёки имтиҳон олувчиларни тайёрлашдаги ўзгаришлар боис) сонда акс этиши ва ҳисобга олиниши мумкин (Wright and Masters, 1982; Lincare, 1989).

Раш услубида таҳлил қилиш дескрипторлари шкалалашга бир неча хил усулда қўлланилиши мумкин:

**(а)** 6, 7, 8-сифат услублари ёрдамида олинган маълумотлар Раш услуби ёрдамида арифметик шкала тарзида баён этилиши мумкин.

**(б)** Тил билишни таърифловчи дескрипторларнинг амалда қўлланилишини соддалаштириш, хусусан, имтиҳон топшириқларида, мақсадида тестлар ишлаб чиқилиши мумкин. Мазкур топшириқлар сўнгра Раш услуби бўйича шкалаланиши ва уларнинг ушбу шкаладаги қиймати ҳар

бир дескрипторнинг нисбатан мураккаблигини акс эттириши мумкин (Brown et al 1992; Carroll 1993; Masters 1994; Kirsch 1995; Kirsch and Mosenthal 1995).

(в) Дескрипторлар ўқитувчилар томонидан ўз ўқувчиларининг билимларини баҳолаш учун саволнома пунктлари сифатида қўлланилиши мумкин (У Хни бажара оладими?). Шундай қилиб, дескрипторлар худди топшириқлар банкида топшириқлар мураккаблигига қараб таснифлангани каби арифметик шкалада жойлаштирилиши мумкин.

(г) Ушбу услуб асосида 3, 4 ва 5-бобларда баён этилган дескрипторлар шкалалари ишлаб чиқилган. В, С ва Д иловаларда таърифи келтирилган барча уч лойихада дескрипторларни шкалалаш ҳамда олинган шкалаларнинг ўзаро нисбатини белгилаш учун Раш услубидан фойдаланилган.

Шкалаларни ишлаб чиқишдан ташқари, Раш услубидан баҳолашнинг олинган шкалаларидан амалда қандай фойдаланилаётганининг ҳисобини олиб бориш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Бу ноаниқ таърифларга аниқлик киритиш, шкаланинг қўлланилаётган қисми кичик ёки жуда йирик эканини аниқлаш ҳамда шкалаларни аниқлаштириш ва қайта кўриб чиқишимконини беради (Davidson, 1992; Milanovic et al 1996; Stansfield and Kenyon, 1996; Tyndall and Kenyon, 1996).

*Қуйидаги саволларга ўйлаб кўриб жавоб қайтариш тавсия этилади:*

- Бирхил тушунчалардан фойдаланилиши муносабати билан уларнинг тизимида қўйиладиган баҳолар қанчалик ўхшаш маънога эга бўлади?*
- Юқорида санаб ўтилган услублардан қайсилари ва яна бошқа қандай услублар ушбу тушунчаларни яратиш ва таърифлашда қўлланилиши мумкин?*

## **В ИЛОВА: ДЕСКРИПТОРЛАРНИНГ ТАСВИРИЙ ШКАЛАЛАРИ**

Мазкур Иловада Швейцария лойиҳаси баён этилган ва ушбу лойиҳа жараёнида “Умумевропа компетенциялари” учун тасвирий дескрипторлар ишлаб чиқилган. Унгаткаланган тоифалар ҳам киритилган бўлиб, бунда улар асосий ҳужжатда учрайдиган саҳифалар кўрсатиб ўтилган. Мазкур лойиҳа жараёнида дескрипторлар “Умумевропа компетенциялари” доирасида даражаларни яратиш учун А Илованинг якуний қисмида баён этилган 12в услуб (Раш услуби бўйича моделлаштириш) ёрдамида шкалаланди ва қўлланилди.

## ШВЕЙЦАРИЯ ТАДҚИҚОТ ЛОЙИҲАСИ

### *Вазифанинг қўйилиши ва умумий тавсиф*

3-, 4- ва 5-бобларда баён этилган дескрипторлар шкаллари Илмий тадқиқотлар масалалари бўйича Швейцария миллий кенгаши шафелигида 1993 йилдан 1996 йилга қадар амалга оширилган лойиҳа натижасида ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа 1991 йил Рюшликон симпозиумида қабул қилинган қарор асосида амалга оширилган.

1994 йилги тадқиқот давомида ўзаро нутқий ҳамкорлик ва нутқни таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, у инглиз тилини хорижий тил сифатида ўрганиш муаммолари ҳамда ўқитувчилар томонидан билим даражасини баҳолаш масалалари билан чекланган. 1995 йилги тадқиқот қисман 1994 йилги тадқиқотни такрорлади, фақат унга идрок этиш масаласи ҳамда инглиз тилидан ташқари немис ва француз тиллари ҳам кўшилган эди. Ўқитувчилар томонидан билимларни баҳолаш масаласи баъзи бир имтиҳонларнинг (Cambridge; Goethe; DELF/DALF) материаллари ва ўз-ўзини баҳолаш жараёнларини кўриб чиқиш ҳисобига кенгайтирилди.

Ҳар икки тадқиқотда салкам 500та турли синфларга мансуб салкам 300 нафар ўқитувчи ва деярли 2800 нафар ўқувчи иштирок этди. Ўрта мактаб (бошланғич ва юқори синфлар), касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳамда катта ёшли ўқувчилар қуйидаги нисбатларда иштирок этган эди.

	Ўрта мактаб, бошланғич босқич	Ўрта мактаб, юқори синфлар	Касб-хунар таълими муассасалари	Катта ёшли ўқувчилар
1994	35%	19%	15%	31%
1995	24%	31%	17%	28%

Тадқиқотда Швейцариянинг немис, француз, италян ва ретророман тилларида сўзлашувчилар кўпчиликини ташкил этадиган ҳудудларида яшовчи ўқитувчилар иштирок этишди. Тадқиқот ўтказилган йили унда иштирок этган ўқитувчиларнинг чорак қисми она тилидан дарс берган. Ўқитувчилар анкеталарни тадқиқот учун материал бўлган тилда тўлдиришди. Шундай қилиб, 1994 йили қўлланилаётган дескрипторлар фақат инглиз тилида тавсифланган бўлса, 1995 йили анкеталар инглиз, француз ва немис тилларида тўлдирилди.

### ***Тадқиқот услуги***

Қисқача қилиб тадқиқот услугини қуйидагича талқин этиш мумкин:

*Бошланғич босқич:*

1. Ўқитувчилик фаолияти давомида қўлланилаётган ёки Европа Кенгашидан 1993 йилда олинган тил билиш даражаси шкалаларини батафсил таҳлил қилиш; рўйхат таҳлил якунида келтирилган.

2. Ушбу шкалалардан 4- ва 5-бобларда қайд этилган тоифалар билан боғлиқ бўлган тавсифий тоифаларни ажратиб олиш ва таснифланган ҳамда таҳрир қилинган дескрипторларнинг ягона рўйхатини яратиш.

*Сифат таҳлили:*

3. Атамаларнинг ишлаб чиқилган тизими муҳокама этилаётган мазмунни тўлақонли акс эттираётганига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчилар ўқувчиларнинг тил билиш даражаси натижаларини муҳокама этган ва солиштирган йиғилишларнинг видеоёзувларини таҳлил қилиш.

4. (а) дескрипторларни тавсифлаш талаб этиладиган тоифаларга мос тарзда таснифлаган; (б) мазкур тавсифларни уларнинг тоифалар учун аниқлиги, раволиги ва аҳамияти жиҳатидан характерлаган; (в) дескрипторларни тил билишнинг турли даражалари ўртасида тақсимлаган ўқитувчилар билан 32 та семинар ўтказилган.

*Миқдорий ҳисоблаш босқичи:*

5. Ўқув йили якунида ўтган босқичда нисбатан аниқ, раво ва аҳамиятли деб топилган дескрипторлардан тузилган ўзаро боғланган анкеталар занжири ёрдамида ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш. Тадқиқотнинг биринчи йилида ҳар бири 50тадан дескрипторни ўз ичига олган 7та анкетадан иборат серия қўлланилди. Бунда 80 соат инглиз тили ўқитилган бошланғич ўрганувчилардан то ривожланган босқич ўқувчиларигача бўлган диапазонда баҳолаш амалга оширилди.

6. Тадқиқотнинг иккинчи йилида 5та анкетадан ташкил топган бошқа занжирдан фойдаланилди. Ҳар икки тадқиқот учун ҳам умумий жиҳат шундаки, оғзаки мулоқот кўникмаларини баҳолаш учун бир хил дескрипторлардан фойдаланилган. Ўқувчиларга 0 дан 4гача бўлган ораликда баҳо қўйилди. Ўқитувчилар дескрипторларни қандай талқин қилгани эса Раш услуги бўйича таҳлил қилинди. Мазкур таҳлил иккита мақсадни қўзлаб амалга оширилди:

(а) ҳар бир дескриптор учун “мураккаблик даражаси”ни математик ҳисоблаб чиқиш;

(б) турли вазиятларда ўз аҳамияти жиҳатидан юқори барқарорлиги билан ажралиб турадиган дескрипторларни аниқлаш ҳамда келгусида улардан даражаларнинг умумевропа тизимини тавсифловчи холистик шкалаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш учун дескрипторларнинг ўқув юртларитурига, тили билан ажралиб турувчи географик ҳудудларга ва ўқитилаётган тилга қараб талқин қилинишидаги статистик аҳамиятли вариантларни аниқлаш.

7. Айрим ўқувчиларнинг тилга оид хатти-ҳаракати видеоёзувининг иштирок этаётган барча ўқитувчилар томонидан баҳоланиши. Мазкур баҳолашдан мақсад – битта ўқувчини турли ўқитувчилар томонидан баҳолашдаги фарқ даражасини ушбу вариантларни таълим бериш натижалари диапазонини аниқлашда эътиборга олиш учун миқдорий тавсифлашдан иборатдир.

#### ***Натижаларни талқин қилиш босқичи:***

8. 3-бобда баён этилган “Умумевропа компетенциялари” даражалари тизимини яратиш учун умумий шкалада айрим дескрипторлар ўртасидаги чегарани аниқлаш, мазкур даражаларни ягона холистик шкала кўринишида умумлаштириш (1-жадвал), тилга оид фаолият турларини тавсифловчи ўз-ўзини баҳолаш жадвали (2-жадвал) ҳамда мулоқот компетенциясининг турли жиҳатларини тавсифловчи тилга оид хатти-ҳаракатни баҳолаш жадвали (3-жадвал).

9. 4- ва 5-бобларда шкалаланиши мумкин бўлган тоифалар учун тасвирий шкалаларни жорий этиш.

10. Тилга оид портфелнинг намунавий швейцарча вариантыни яратиш учун дескрипторларни ўз-ўзини баҳолаш варақаларида фойдаланиш учун мослаштириш. У ўз ичига қуйидагиларни олади: а) тинглаш, гапириш, оғзаки мулоқот, нутқни таъминлаш, ёзув кўникмаларини мустақил равишда баҳолаш варақалари (2-жадвал); б) “Умумевропа компетенциялари”нинг ҳар бир даражаси учун ўз-ўзини баҳолаш назорат варақалари.

11. Тадқиқот натижалари эълон қилинган якуний конференцияда тилга оид портфелни яратиш тажрибаси муҳокама этилди ва ўқитувчилар “Умумевропа компетенциялари” даражалари тизими билан таништирилди.

#### ***Натижалар***

Турли тил кўникмалари ва тилга оид компетенцияларнинг ҳар хил турлари (лингвистик, прагматик, ижтимоий-маданий) учун дескрипторларнинг шкалаланиши мазкур турлижиҳатларни ягона ўлчов

тизими доирасида бирлаштириш мумкинми, деган саволга бориб тақалади. Мазкур муаммо Раш моделидан фойдаланишга боғлиқ эмас, балки статистик таҳлилнинг барча турларига хосдир. Аммо Раш услубидан фойдаланиш тоифаларнинг қатъий танланишини талаб этади. Тажрибалар натижалари, тил билишни ўқитувчилар томонидан баҳолашда олинган маълумотлар ҳамда ўз-ўзини баҳолаш натижалари маълумотлари талқин қилинганда, турли хил натижани кўрсатиши мумкин. Ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг тилга оид компетенциялари баҳоланганда, айрим тоифалар муваффақиятсиз чиқди ва улар тоифаларнинг умумий рўйхатидан чиқариб ташланди. Уларга қуйидагилар киради:

**а) ижтимоий-маданий компетенция**

Мазкур дескрипторлар ижтимоий-маданий ва ижтимоий-лингвистик компетенцияни тавсифлайди. Муаммолар (а) мазкур ходисанинг тилга оид компетенциядан фарқ қилишига; (б) семинарлар давомида муваффақиятсиз деб топилган ноаниқ тавсифланган дескрипторларга; (в) баҳолашни амалга оширган ва баҳоланаётган ўқувчилар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган ўқитувчиларнинг узвий бўлмаган жавобларига боғлиқ ёки йўқлиги ноаниқ.

**б) касбий фаолият учун зарур бўлган тил кўникмалари**

Мазкур дескрипторлар ўқитувчилардан ўзлари бевосита ўқув аудиторияларида кузатадиган доирадан ташқари тилга оид кўникмалар (асосан, касбий фаолиятга оид) тўғрисида, масалан: телефон қўнғироқлари, иш юзасидан учрашувлар ва музокаралардаги иштирок, расмий тақдимотлар ўтказиш, эссе ва маърузалар ёзиш, расмий ёзишмаларни олиб бориш ҳақида тахминларни илгари суришни талаб қиларди.

**в) салбий тушунчалар**

Бу ерда соддалаштирилган тавсиф, тушунтириш ёки такрорлашни талаб қиладиган дескрипторлар назарда тутилган ва улар ўз ичига салбий тушунчаларни олади. Бундай дескрипторлар ижобий мазмунга эга тавсифларга қўшимча шарт сифатида қўшилса, яхшироқ қабул қилинади. Масалан:

*Асосан, таниш мавзулар муҳокамаси жараёнида ўзига қаратилган аниқ ва равон нутқни тушунади, фақат вақти-вақти билан айрим жумлаларни такрорлашни ёки бошқача тарзда баён этишни сўраши мумкин.*

Тадқиқотда қатнашган ўқитувчилардан ўқиш оғзаки мулоқот ва нутқ жараёнидан алоҳида шкала бўйича баҳоланиши талаб этилди. Аммо



маълумотларни танлаш принципи ўқишни алоҳида шкалалаб, сўнгра лойиҳа якунида ўқиш учун шкалани асосий шкала билан солиштириш имконини берди. Ёзув кўникмаларига катта эътибор қаратилмади, ёзма нутқ яратилишига оид дескрипторлар (4-бобга қаранг) эса оғзаки нутқ яратилишига оид дескрипторлар асосида ишлаб чиқилди. Ўқиш ва ёзув учун шкалалардаги миқдорий қийматларнинг нисбатан юқори барқарор кўринишга эгаллиги “Умумевропа компетенциялари”да қайд этилганлиги ва DIALANG ҳамда ALTE (тегишлилиги бўйича C ва D Иловаларга қаранг) лойиҳалари томонидан тасдиқланганлиги ўқиш ва ёзув кўникмаларини баҳолаш учун қўлланган ёндашувлар, умуман олганда, самарали бўлди, деган хулосага келиш имконини беради.

Юқорида қайд этиб ўтилган тоифалар билан боғлиқ қийинчиликлар бир ва кўп ўлчамли шкалалаш ўртасидаги танловдан келиб чиқади. Аммо кўпроқ қийинчилик шкалалашнинг кўп қирралиги билан эмас, балки ўқувчилар контингенти билан боғлиқ бўлди. Бир неча ҳолатларда бирор-бир дескриптор келтириб чиқарган қийинчилик ўқув аудиториясига боғлиқ бўлиб чиқди. Масалан, ўқитувчиларнинг фикрича, бошланғич босқичда “реал ҳаётдан олинган” вазифаларни катта ёшдаги ўқувчилар 14 ёшгача бўлган ўсмирлардан кўра яхшироқ тушунишади. Интуиция нуқтаи назаридан бу айни ҳақиқат. Бундай фарқ “тушунишнинг дифференциал функцияси” (ТДФ) сифатида баён этилиши мумкин. ТДФга эга дескрипторлар имкон қадар 3-бобдаги 1 ва 2-жадвалларга киритилган “Умумевропа компетенциялари” даражалари тизимидан чиқарилди.

#### *Қўллаш*

4- ва 5-бобларда санаб ўтилган тавсифловчи дескрипторлар (а) мазкур дескриптор бевосита тадқиқот давомида бир хил ўлчамга келтирилган даражага жойлаштирилган; (б) тадқиқот давомида ушбу даража учун бир хил ўлчамга келтирилган дескрипторлар элементларини қайта комбинациялаш йўли билан яратилган; (в) сифат босқичи (семинарлар) натижалари асосида танлаб олинган; (г) эмпирик йўл билан яратилган ёрдамчи шкаладаги бўшлиқни тўлдириш учун талқин этиш босқичида тавсифланган.

#### *Кейинги тадқиқотлар*

Базел университетининг 1999–2000 йиллардаги лойиҳаси “Умумевропа компетенциялари”нинг университетга ўқишга қараётганлар учун мўлжалланган ўз-ўзини баҳолаш бўйича назорат варақалари дескрипторларини таҳрир қилди. Шунингдек, ижтимоий-лингвистик

компетенцияга тааллуқли бўлган ва университет маърузаларини конспектлаштириш кўникмасини таърифловчи дескрипторлар ҳам таҳрир қилинди. Биринчи лойиҳада қўлланган услуб ёрдамида “Умумевропа компетенциялари”нинг янги дескрипторлари ва даражалар тизими ўртасида мувофиқлик мавжудлиги аниқланди ҳамда ушбу янги дескрипторлар “Умумевропа компетенциялари”нинг янги нашрига киритилди. “Умумевропа компетенциялари” учун дескрипторларнинг бирламчи тизимидаги шкалалар билан ушбу нашрга киритилган тизим ўртасидаги нисбат 0,899 га тенг.

*Адабиётларга ҳавола:*

North, B. 1996/2000: The development of a Common Framework scale of language proficiency. PhD thesis, Thames Valley University. Reprinted 2000, New-York, Peter Lang.

North, B.forthcoming: Developing descriptor scales of language proficiency for the CEF Common Reference Levels. In J.C.Alderson (ed.) Case studies of the use of the Common European Framework. Council of Europe.

North, B. forthcoming: A CEF-based self-assessment tool for university entrance. In J.C.Alderson (ed.) Case studies of the use of the Common European Framework. Council of Europe.

North, B. and Schneider, G. 1998: Scaling descriptors for language proficiency scales. Language Testing 15/2:217-262.

Schneider and North 1999. «In anderen Sprachen kann ich»... Skalen zur Beschreibung, Beurteilung und Selbsteinschätzung der fremdsprachlichen Kommunikationsfähigkeit. Berne, Project Report, National Research Programme 33, Swiss National Science Research Council.

**“Умумевропа компетенциялари” учун дескрипторлар**

3-бобга киритилган жадвалларга қўшимча тарзда “Умумевропа компетенциялари” даражалари тизимини умумлаштириш учун таърифловчи дескрипторлар 4 ва 5-бобларнинг матнларига қуйидаги тарзда қўшилган.

***В1 Ҳужжат. 4-бобдаги тавсифий шкалалар: фаолиятнинг коммуникатив турлари***

<b>ИДРОК</b>	<p><b>Оғзаки</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аудиолаштириш.</li> <li>• Тил вакиллари билан суҳбатни тушуниш.</li> <li>• Аудитория иштирокчиси бўлган ҳолда бевосита аудиолаштириш.</li> <li>• Эълон ва кўрсатмаларни эшитиш.</li> </ul>
--------------	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Радио ва аудио ёзувларни тинглаш.</li> </ul>
	<b>Аудиовизуал</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>•ТВ ва кинофильмлар кўриш.</li> </ul>
	<b>Ёзма</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқиш.</li> <li>• Хатларни ўқиш.</li> <li>• Мўлжал учун ўқиш.</li> <li>• Маълумот ва келгуси далиллаш учун ўқиш.</li> <li>• Йўриқномаларни ўқиш.</li> </ul>
<b>ЎЗАРО МУНОСАБАТ</b>	<b>Оғзаки</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>•Оғзаки мулоқот.</li> <li>• Мулоқот чоғида тушуниш.</li> <li>• Суҳбатдошни – тил вакилини тушуниш.</li> <li>• Суҳбат.</li> <li>• Норасмий муҳокама.</li> <li>• Расмий муҳокама (иш юзасидан учрашув).</li> <li>• Мақсадга эришиш учун ҳамкорлик.</li> <li>• Товар ва хизматларни харид қилиш.</li> <li>• Ахборот алмашиш.</li> <li>• Интервью олиш ваинтервью жараёнида интервью берувчи сифатида қатнашиш.</li> </ul>
	<b>Ёзма</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>•Ёзма мулоқот.</li> <li>•Хат алмашиш.</li> <li>•Хатлар, қисқа хабарлар, шаклларни тўлдириш.</li> </ul>
<b>НАТИЖА</b>	<b>Оғзаки</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Оғзаки нутқнинг яратилиши.</li> <li>• Давомли монолог: тажрибанинг баёни.</li> <li>• Давомли монолог: ўз нуқтаи назарини баён этиш (масалан,дебатлар доирасида).</li> <li>• Оммабоп эълон.</li> <li>• Аудиторияга мурожаат.</li> </ul>
	<b>Ёзма</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>•Ёзма нутқнинг яратилиши.</li> <li>• Ёзма ижод.</li> <li>• Маъруза ва эсселар ёзиш.</li> </ul>

***В2 Хужжат. 4-бобдаги тавсифий шкалалар: мулоқот стратегиялари***

<b>ИДРОК ЭТИШ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишора ва луқмаларни тушуниш.</li> </ul>
-------------------	--

<b>ЎЗARO МУНОСАБАТ</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суҳбатга қўшилиш;</li> <li>• Ҳамкорлик;</li> <li>• Аниқлик киритишни/тушунтиришни сўраш.</li> </ul>
<b>НАТИЖА</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Режалаштириш;</li> <li>• Луғат бойлиги етарли бўлмаганда фикрни баён этишининг муқобил вариантини танлаш;</li> <li>• Ўз нутқини назорат қилиш ва хатоларни тўғрилаш.</li> </ul>

***В3 Хужжат. 4-бобдаги тавсифий шкалалар: матн устида ишлаш***

<p><b>МАТН</b>• маъруза ва семинарларда конспект юритиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>•матн устида ишлаш.</li> </ul>
--

***В4 Хужжат. 5-бобдаги тавсифий шкалалар: тилга оид мулоқот компетенциялари***

<b>ЛИНГВИСТИК Диапазон</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Умумий диапазон.</li> <li>• Луғат бойлиги.</li> </ul>
<b>Назорат</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Грамматик аниқлик.</li> <li>• Сўзларни ишлатишни назорат қилиш.</li> <li>• Фонологик назорат.</li> <li>• Орфографик назорат.</li> </ul>
<b>ИЖТИМОЙ-ЛИНГВИСТИК</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ижтимоий-лингвистик.</li> <li>• Ўзгарувчан.</li> </ul>
<b>ПРАГМАТИК</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Суҳбатга қўшилиш – такроран.</li> <li>• Мавзуни ривожлантириш.</li> <li>• Боғлиқлик.</li> <li>• Жойлашув курилишининг аниқлиги.</li> <li>• Нутқнинг равонлиги.</li> </ul>

***В5 Хужжат. Дескрипторларни бир ўлчамга келтириш кетма-кетлиги***

У ёки бу дескриптор шкалада эгаллаган ўрин юқори даражадаги кетма-кетликни намоён этади. Мисол тариқасида топик, мавзу тушунчасини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу тушунча учун махсус дескрипторлар киритилмаган эди, ammo турли тоифалар учун дескрипторларда топикка ҳавола берилган. Учта энг муҳим тоифа – Баён этиш ва мулоҳаза, Маълумот алмашиш, Диапазон.

Қуйида келтирилган жадвалларда мазкур учта тоифа доирасида топиклар қай тарзда кўриб чиқилиши солиштирилади. Гарчи учта турли схеманингмазмуни ҳар хил бўлсада, солиштириш жараёнида шкалаланган дескрипторлар тўпламида намоён бўладиган сезиларли даражадаги кетма-кетликни кўришимиз мумкин. Бундай таҳлил бирламчи тадқиқотга киритилмаган тоифалар учун дескрипторларни таърифлаш учун асос бўлиб хизмат қилади (масалан, оммавий эълон қилиш).

СЎЗЛАБ БЕРИШ ВА ТАЪРИФЛАШ							
A1	A2		B1		B2	C1	C2
•Улар қаерда яшашад и	• Одамлар, ташқи кўриниш. • Ижтимоий ҳолати, Иш. • Яшаш жойи ва шароити.	• Мол-мулк, уй хайвонлари. • Воқеалар, Ҳаракатлар. • Қизиқишлари. • Режалари, келишувлар. • Одатлар. • Шахсий тажриба.	• Китоб/ Фильм сюжети. • Шахсий тажриба. • Дастлабки икки бандга муносабат. • Орзулар, режалар, интилишлар. • Ҳикоя тузиш маҳорати.	•Кутилмаган воқеа, масалан, бахтсиз ҳодисанинг асосий тафсилотлари.		•Мураккаб нарсалар/мавзуларнинг раван батафсил таърифи.	

МАЪЛУМОТ АЛМАШИНУВ							
A1	A2		B1		B2	C1	C2
•Ўзи ва бошқалар ҳақида. • Уй •Вақт	•Оддий такрорланувчи ҳаракатлар • Касбий фаолият ва бўш вақтнинг алоҳида жиҳатлари	• Манзилни тушунтирувчи оддий кўрсатмалар. •Машғулотлар одатлар, такрорланувчи ҳаракатлар. •Ўтмишдаги ҳаракатлар.	•Манзилни батафсил тушунтириш.	•У ёки бу соҳага оид тўпланган амалий маълумот.			

ДИАПАЗОН: ПАРАМЕТРЛАР						
А1	А2		В1	В2	С1	С2
	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Асосий одатий эҳтиёжлар</li> <li>• Кун кечирини учун зарур эҳтиёжлар</li> <li>• Ўзи, одатлари, тартиби ҳақидаги маълумотларни етказиш, маълумот сўраш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кундалик одатий ҳаракатлар.</li> <li>• Таниш мавзу, вазиятлар.</li> <li>• Одатий мазмундаги кундалик вазиятлар.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Кундалик ҳаётга оид аксарият мавзулар: хобби, қизиқишлар, иш, сафарлар, кундалик воқеалар.</li> </ul>			

***В4 Ҳужжат. Бирламчи манба сифатида қўлланиладиган тил компетенциялари шкаллари***

***Озгаки нутқнинг холистик шкаллари***

- Hofmann: Levels of Competence in Oral Communication 1974
- University of London School Examination Board: Certificate of Attainment -Graded Tests 1987
- Ontario ESL Oral Interaction Assessment Bands 1990
- Finnish Nine Level Scale of Language Proficiency 1993
- European Certificate of Attainment in Modern Languages 1993

***Мулоқот фаолиятининг ҳар хил турлари учун шкаллари***

- Trim: Possible Scale for a Unit/Credit Scheme Skills 1978
- North: European Language Portfolio Mock-up: Interaction Scales 1991
- Eurocentres/ ELTDU Scale of Business English 1991
- Association of Language Testers in Europe, Bulletin 3, 1994

***Тўрт кўникма учун шкаллари***

- Foreign Service Institute Absolute Proficiency Ratings 1975
- Wilkins: Proposals for Level Definitions for a Unit/Credit Scheme: Speaking 1978
- Australian Second Language Proficiency Ratings 1982
- American Council on the Teaching of Languages Proficiency Guidelines 1986



- Elviri et al: Oral Expression (in van Ek 1986)
- Interagency Language Roundtable Language Skill Level Descriptors 1991
- English Speaking Union (ESU) Framework Project: 1989
- Australian Migrant Education Program Scale (Listening only)

***Оғзаки нутқ кўникмасини баҳолаш учун шкалалар***

- Dade County ESL Functional Levels 1978
- Hebrew Oral Proficiency Rating Grid 1981
- Carroll B J. and Hall P.J. Oral Interaction Assessment Scale 1980
- International English Testing System (IELTS): Band Descriptors for the Speaking and Writing 1990
- Goteborgs Univeritet: Oral Assessment Criteria
- Fulcher: The Fluency Rating Scale 1993

***Ўқув дастурлари баёни ва турли даражадаги ўқув муассасаларида курслар якунида баҳолаш мезонлари***

- University of Cambridge/Royal Society of Arts Certificates in Communicative Skills in English 1990
- Royal Society of Arts Modern English Examinations: French 1989
- English National Curriculum: Modern Languages 1991
- Netherlands New Examinations Programme 1992
- Eurocentres Scale of Language Proficiency 1993
- British Language Lead Body: National Language Standards 1993

**СИЛОВА: DIALANG ШКАЛАЛАРИ**

Мазкур иловада тил билиш даражасини баҳолашнинг DIALANG тизими кўриб чиқилади. Ушбу тизим турли ташхис тадбирларини ўтказиш учун “Умумевропа компетенциялари”га қўшимча ҳисобланади. Иловада асосий эътибор ўз-ўзини баҳолашда қўлланиладиган далилларга, ҳамда DIALANG тизимини яратиш жараёнида уларни бир ўлчамга келтириш амалиётига қаратилган. Шунингдек, Илова ўз ичига “Умумевропа компетенциялари”га асосланган ва тест топшираётган ўқувчиларни натижалардан хабардор қилиш ҳамда ушбу натижаларни уларга тушунтириш учун қўлланиладиган иккита ўзаро боғлиқ тавсифий шкалани ҳам олган. Мазкур лойиҳа доирасида қўлланиладиган дескрипторлар А Илованинг охирида таърифи келтирилган 12-услуг (Раша услуги асосида

моделлаштириш) ёрдамида шкалаланган ва “Умумевропа компетенциялари” даражалари билан мос ҳолатга келтирилган

## **DIALANG ЛОЙИҲАСИ**

### ***DIALANG баҳолаш тизими***

DIALANG – хорижий тилларни ўрганаётган ва ўзларининг тил билиш даражалари ҳақида диагностик маълумот олиш истагида бўлган шахслар учун мўлжалланган баҳолаш тизими ҳисобланади. DIALANG лойиҳаси Европа комиссияси, Таълим ва маданият бош бошқармаси (SOCRATES, LINGUA дастури D тадбири) молиявий кўмагида амалга оширилади.

Тизим ўз ичига Европанинг ўн тўртта тилида, яъни дания, голланд, инглиз, финн, француз, немис, юнон, исланд, ирланд, итальян, норвегия, португал, испан ва швед тилларида тайёрланган ўз-ўзини баҳолаш варақаларини, тилга оид тестларни ва олинган натижаларни тушунтириш учун материалларни олади. DIALANGни интернетдан бепул юклаб олиш мумкин.

DIALANG баҳолаш тизими ва фойдаланувчиларга натижаларни хабар қилиш учун қўлланиладиган тавсифий шкалалар бевосита “Умумевропа компетенциялари”га асосланган. DIALANG тизимида қўлланиладиган ўз-ўзини баҳолаш дескрипторлари, асосан, “Умумевропа компетенциялари”дан олинган ва мазкур тизимнинг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилган.

### ***DIALANGнинг вазифаси***

DIALANG ўзларининг чет тилини билиш даражаларини аниқлаш ва тил борасидаги кучли ва кучсиз томонлари тўғрисида батафсил маълумот олиш истагида бўлган катта ёшдаги фойдаланувчилар учун мўлжалланган. Ушбу тизим, шунингдек, ўқувчиларга тил билиш борасидаги кўникмаларини қандай қилиб яхшилашлари мумкинлигини тушуниб етишларига ёрдам беради, қолаверса, у хорижий тилларни ўрганиш, тил билиш даражаси каби тушунчалар борасида тасаввур ҳосил қилади. Мазкур тизим доирасида сертификатлаш амалга оширилмайди.

DIALANG тизимининг асосий фойдаланувчилари хорижий тилни мустақил равишда ёки ўқув юртида ўрганаётган ўқувчилар ҳисобланишади. Аммо чет тили ўқитувчилари ҳам DIALANG тизимидан ўзлари учун фойдали ниманидир топишлари мумкин.

### ***DIALANG тизими доирасида баҳолаш амалиёти***

DIALANG тизими доирасида баҳолаш амалиёти ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

1. Йўриқнома ва баҳо бериладиган тилни танлаш (14 та тил).
2. Рўйхатга олиш.
3. Билиш даражаси тестдан ўтказиладиган тилни танлаш (14 та тил).
4. Луғат бойлигини аниқлаш учун тест.
5. Қобилиятни танлаш (ўқиш, сўзлаш, ёзиш, луғат, грамматика).
6. Ўз ўзини баҳолаш (фақат ўқиш, сўзлаш, ёзиш учун).
7. Ўқувчининг билим даражасини бирламчи баҳолаш.
8. Тегишли мураккаблик даражасига эга тест ўтказиш.
9. Натижалар ва изоҳлар.

Тизимга кирган ўқувчилар, аввало, йўриқнома, баҳолаш натижалари ва изоҳларни олишни истаган тилни танлашади. Рўйхатдан ўтганларидан кейин уларга билимлари даражасини аниқлаш учун бирламчи тест тавсия этилади, ушбу тест орқали бир вақтнинг ўзида уларнинг луғат бойлиги ҳам баҳоланади. Фойдаланувчи тестдан ўтказишни истаётган кўникмани танлаганидан кейин, то танланган тестни бажаргунларига қадар уларга ўз-ўзини баҳолаш учун бир қанча дескрипторлар тавсиф қилинади. Ушбу дескрипторлар бевосита тестдан ўтказилаётган қобилиятга боғлиқ бўлиб, фойдаланувчилар ҳар бир фикрда баён этилган ҳаракатни бажара олиш-олмасликларини ҳал қилишлари зарур. DIALANG тизими луғат бойлиги ва грамматика соҳаларида ўз-ўзини баҳолаш учун саволларни тақдим этмайди. Сабаби, мазкур соҳаларга оид қоидалар “Умумевропа компетенциялари” тизимида мавжуд эмас. Тест якунида, изоҳлар доирасида ўқувчига DIALANG тизими бўйича тест натижалари кўрсатган билим даражаси уларнинг ўз-ўзини баҳолаши билан қанчалик мос келиши маълум қилинади. Шу ернинг ўзида ўқувчиларга юзага келган айрим фарқлар бўйича тушунтириш берилади.

### ***DIALANG тизими доирасида ўз ўзини баҳолашнинг мақсади***

DIALANG тизимида иккита сабабга кўра ўз-ўзини баҳолаш варақаларидан фойдаланилади. Биринчидан, ўз-ўзини баҳолаш муҳим фаолият тури. Ўз билимларини баҳолаш фанни мустақил равишда ўрганишга интилишни ривожлантиради, ўқувчига таълим олиш жараёни устидан кўшимча назорат имконини беради, деб ҳисобланади.

Иккинчидан, ўқувчининг билим даражасини бирламчи аниқлаш учун тизим луғат бойлигини аниқлаш учун тестдан ва ўз-ўзини баҳолаш натижаларидан фойдаланади. Сўнгра уни ўз қобилиятига энг яхши даражада мос келадиган тестни бажаришга йўналтиради.

## **DIALANG ТИЗИМИДА ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ ШКАЛАЛАРИ**

### ***Манбалар***

DIALANG тизими доирасида қўлланиладиган ўз-ўзини баҳолаш варақаларидаги қоидаларнинг катта қисми “Умумевропа компетенциялари” (1996, 2-қисм)нинг инглизча версиясидан олинган. Шундай қилиб, DIALANG тизимида “Умумевропа компетенциялари” бевосита билимлар даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

### ***Ишлаб чиқишнинг сифат босқичи***

DIALANG<sup>3</sup> доирасида ўз-ўзини баҳолаш масалалари бўйича Ишчи гуруҳ “Умумевропа компетенциялари”нинг қоидаларини ўрганиб чиқиб, улар орасидан энг оддий, аниқ ва тушунарли бўлганларини танлаб олди; шунингдек, North 1996/2000 тадқиқотининг эмпирик натижалари ҳам инобатга олинди. Ўқиш, сўзлаш ва ёзиш учун юздан ортиқ қоидалар танлаб олинди.

Қоидалардаги “қўлидан келади/қила олади” таърифлари “менинг қўлимдан келади/қила оламан” деган таърифлар билан ўзгартирилди, чунки улар ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг билимини баҳолаш учун эмас, балки ўқувчилар ўз-ўзини баҳолаши учун қўлланилади. Айрим дескрипторлар фойдаланиш қулай бўлиши учун ўзгартирилди; DIALANG учун махсус бир нечта қоидалар яратилди, чунки “Умумевропа компетенциялари”да ушбу бўлимлар мазкур тизимучун талаб қилинган даражада батафсил ишлаб чиқилмаган эди. Барча дескрипторлар “Умумевропа компетенциялари” доирасидаги бирламчи дескрипторлар муаллифи доктор Брайан Нортон ва тил ўқитиш ва тест ўтказиш бўйича тўрт нафар эксперт томонидан танқидий кўриб чиқилди.

---

<sup>3</sup>Гуруҳ таркиби Alex Teasdale (раис), Neus Figueras, Ari Nuhta, Fellyanka Kaftandijeva, Mats Oscarson ва Sauli Takala.

### ***Таржима***

DIALANG кўп тиллик принципи асосига қурилгани боис, ўз-ўзини баҳолаш бўйича дескрипторлар кейинчалик қолган ўн учта тилга ҳам таржима қилинди. Таржиима мувофиқлаштирилган амалиёт асосида бажарилди. Олдинига таржиманинг асосий принциплари келишиб олинди ва эҳтимолий муаммолар муҳокама қилинди; таржиманинг фойдаланувчилар учун тушунарлилиги таржимасифатининг асосий мезони қилиб олинди. Бошланғич босқичда ҳар бир тил бўйича икки-уч нафар эксперт бир-биридан мустақил равишда далилларни таржима қилиб, сўнгра бирга учрашиб, таржималардаги фарқларни муҳокама қилган ҳолда ягона ифодани ишлаб чиқдилар. Мазкур таржималар ўз-ўзини баҳолаш бўйича ишчи гуруҳга юборилиб, таржиманинг сифати яна бир бор текширувдан ўтказилди.

### ***Ўз-ўзини баҳолаш учун дескрипторларнинг бир ўлчамга келтирилиши***

Ҳозирги вақтда DIALANG лойиҳаси доирасида фақат битта тадқиқот ўтказилган бўлиб, у ўз-ўзини баҳолаш учун дескрипторларни бир хил ўлчамга келтириш (калибровка) бўйича олиб борилган. (Калибровка деганда, статистик услублар ёрдамида қоидава даъволарнинг мураккаблик даражаси аниқланиши, сўнгра улар ягона шкалага солиниши тушунилади). Бир хил ўлчамга келтириш фин тили учун DIALANG тизимида айрим тестларни ҳам бажарган 304 нафар иштирокчи (тўлиқ тест ўтказилган) орасидан танлаб олишга асосланган. Ўз-ўзини баҳолаш учун дескрипторлар тадқиқот иштирокчиларига ёки швед (250 нафар иштирокчи учун) ёхуд инглиз тилида тақдим этилган. Аксарият иштирокчилар, шунингдек, дескрипторларнинг финча вариантыга ҳам мурожаат этишлари мумкин эди<sup>2</sup>.

Олинган натижалар OPLM(Verhelst et al. 1985; Verhelst and Glass 1995)<sup>3</sup> дастури ёрдамида таҳлил қилиб чиқилди. Натижаларни ижобий деб баҳолаш мумкин: 90% дескрипторлар шкалаланиши мумкин бўлди (бошқача айтганда, улар статистик моделни қўллашга “мос келди”). Мазкур бир хил ўлчамга келтириш асосида ташкил қилинган учта асосий шкала бир хил ҳисобланади, ишончлилигининг юқори индекслари шундан далолат беради (альфа Кронбах): ўқиш учун 0.91, сўзлаш учун 0.93 ва ёзиш учун 0.94<sup>4</sup>.

Биринчи бир хил ўлчамга келтириш бу каби ягона тадқиқот бўлса-да, у DIALANG доирасида бир неча тилда ўз-ўзини баҳолаш бўйича дескрипторлар нақадар сифатли тузилганини исботлаб турибди. Бундай хулоса чиқарилишига сабаб, тадқиқот қатнашчилари ўз-ўзини баҳолаш учун

дескрипторларнинг исталган вариантыни(инглизча, швед тилида, фин тилида) танлашлари, ёки бир вақтнинг ўзида ҳар учаласидан фойдаланишлари мумкин эди. Уларнинг кўпчилиги швед тилидаги вариантни маъқул кўрди.

DIALANG лойихаси доирасида ва “Умумевропа компетенциялари” доирасида ишлаб чиқилган ўз-ўзини баҳолаш шкалаларининг сифати бўйича кўшимча далиллар доктор Кафтандиев томонидан мазкур тадқиқотга кирувчи у ёки бу дескрипторларнинг мураккаблигини кўрсатувчи қийматларни бошқа тадқиқот(North 1996/2000) давомида худди шу дескрипторлар учун олинган қийматлар билан солиштириш орқали олинган. Мослик даражаси 0.83 ёки хатто 0.897га тенг бўлган.

C1 ҳужжати ўқиш, сўзлаш, ёзиш бўйича фин тилидаги материални бир хил ўлчамга келтириш юзасидан олиб борган тадқиқот натижасида танлаб олинган 107та ўз-ўзини баҳолаш дескрипторлари асосида тузилган. Ҳар бир жадвалдаги дескрипторлар оддийдан мураккабга қараб ташкил қилинган. “Умумевропа компетенциялари”дан олинмаган дескрипторлар курсив билан берилган.

---

<sup>2</sup>Тадқиқот Jzvâskzlâ шаҳридаги 1996-1999 йилларда лойиҳанинг мувофиқлаштирувчи маркази бўлган Амалий лингвистик тадқиқотлар марказида Fellyanka Kastandijeva (раис), Norman Verhelst, Sauli Takala, John de Jong ва Timo Tõrmâkangasдан иборат ишчи гуруҳ томонидан олинган натижаларни таҳлил қилиш асосида ўтказилган. DIALANG лойиҳасининг иккинчи босқичида мувофиқлаштрувчи марказ Берлиндаги Freie университети ҳисобланади.

<sup>3</sup>OPLM дастури Раша моделининг янада ривожлантирилган шакли бўлиб, бир хил ўлчамга келтириладиган объектларга ўз параметрларига кўра фарқ қилиш имконини беради. Мазкур модел билан иккита параметрларнинг ўзаро нисбатига асосланган моделнинг фарқи шундаки, фарқ параметрлари баҳоланмайди, балки маълум ўзгармас сифатида киритилади.

<sup>4</sup>Дескрипторлар бир-бири билан биргаликда бир хил ўлчамга келтирилганда, умумий модел доирасида ўхшашлик сезиларли бўлган( $p=0.26$ ). Фаолиятнинг ҳар бир тури учун алоҳида бир хил ўлчамга келтиришда ҳам ўхшашлик сезиларли бўлган (ўқиш учун 0.10, ёзиш учун 0.84 ва сўзлаш учун 0.78).